



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil « 27 » avgust

№ ПФ–6300

Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қуйидагилар амалиётга жорий этилади:

бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи **молиявий аудит**;

консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи **мувофиқлик аудити**;

назорат объектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи **самарадорлик аудити**.

2. Ҳисоб палатасининг мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини дастлабки босқичда 2022 йилнинг I чорагида 1-иловада кўрсатилган вазирликларда ташқи аудит стандартлари ҳамда қўлланмалари асосида ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ҳисоб палатаси:

2022 йил 1 январга қадар Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ISSAI) асосида ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни ташкил этиш, улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш, шунингдек, давлат молиявий назоратида хавф-таҳлилни амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022 йил 1 октябрга қадар Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Олий аудит органларининг халқаро стандартларини (ISSAI) жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш, тажриба алмашиш ва илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш учун Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)га аъзо бўлишни таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Ҳисоб палатаси ва ички аудит хизматлари:

ҳар бир назорат тадбирини **ташкилий, асосий ва якуний босқичларни ўз ичига олувчи уч босқичли тизим** асосида ҳамда **аудит тадбирининг турларини аниқ белгилаган ҳолда** амалга оширади;

аудит тадбирлари натижалари тўғрисидаги хулосада, шу жумладан қонунбузарликларга имконият яратувчи **шарт-шароит** ва **омилларни**, шунингдек, уларни **бартараф этиш бўйича тавсияларни** ва **тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни** акс эттиради;

б) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги ва ички аудит хизматлари ҳар чорақда камида бир маротаба оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўз фаолиятига оид ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб боради;

в) 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий назорат тадбирлари фақатгина назорат ишларининг йиллик дастурига киритилган субъектларда амалга оширилади, камерал назорат ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

5. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар “Давлат аудити” дастурий комплексининг (кейинги ўринларда – “Давлат аудити” дастури) ишга туширилишини таъминласин.

Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларда ўтказилган барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари **“Давлат аудити” дастурида** рўйхатга олинади;

ҳар бир назорат тадбири учун ўрганиладиган саволлар, тадбирнинг предмети, маълумотларни жамлаш ва таҳлил ўтказиш тартибини ўз ичига олган **назорат тадбирини ўтказиш режаси** тузилади;

“Давлат аудити” дастурида рўйхатга олинмаган назорат тадбирлари ноқонуний ҳисобланади;

барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари натижаларига доир барча турдаги ҳужжатлар (давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) **“Давлат аудити” дастурида** жамланади;

давлат молиявий назорати тадбирларида аниқланган ҳолатлар бўйича **назорат тадбири ўтказилган ташкилотнинг ёзма фикри** назорат тадбири тамомлангандан кейин беш кун муддатда **“Давлат аудити” дастурига** жойлаштирилади.

Бунда, “Давлат аудити” дастурини ишлаб чиқиш, техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини мунтазам такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилади.

6. Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда:

2022 йилдан бошлаб Молия вазирлиги ва ҳар бир ички аудит хизмати томонидан ҳар чоракда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали аниқланган камида 2 тадан объектда назорат тадбирини ўтказишни назарда тутувчи **фуқаролар иштирокидаги аудит** тизимини жорий этсин;

икки ой муддатда фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартибини ишлаб чиқсин.

7. Белгилансинки:

Ҳисоб палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари ва уларнинг ижросини ташқи аудитдан ўтказди;

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари Ҳисоб палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади;

Ҳисоб палатаси бошқарув, ёрдамчи ва техник ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли ходимларига тенглаштирилади;

Ҳисоб палатаси ёрдамчи ва техник ходимларининг умумий чекланган сони Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сони нисбатининг нормативларини аниқлаш методикаси асосида Ҳисоб палатасининг раиси томонидан тасдиқланади.

8. Ҳисоб палатаси бошқарув ходимлари чекланган сони 110 та штат бирлиги этиб белгилансин ҳамда Ҳисоб палатасининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳисоб палатаси раисига, зарур ҳолларда Ҳисоб палатасининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ҳисоб палатаси Ҳайъати (кейинги ўринларда – Ҳайъат) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, Ҳайъат йиғилишларига бошқа вазирлик, идора, корхона ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

11. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

давлат молиявий назорати тадбирлари натижалари бўйича бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси юзасидан вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш;

давлат молиявий назорати ва ички аудит фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда амалга оширишнинг халқаро тан олинган услублари ва воситаларини жорий қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятларни бартараф этиш, уларни такомиллаштириш, эскирган ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича вазирлик ва идораларга таклифлар бериш;

молиявий ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олишни назарда тутадиган истиқболли йўналишларни белгилаш;

ички аудит хизматлари фаолияти натижаларини муҳокама қилиш ҳамда ички аудиторлар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш.

12. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) **2021 йил якунига қадар:**

давлат молиявий назорати тизими бўйича маълумотлар базаси ҳамда камерал назоратни амалга оширувчи автоматлаштирилган дастурий таъминот яратилишини таъминласин;

Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бюджет назорати ва аудитга ихтисослашган таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига олий таълим муассасаларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Ҳисоб палатасига юридик шахс мақоми берилсин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-хўжалик департаменти:

Ҳисоб палатасининг Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини;

Ҳисоб палатасига бириктирилган офис жиҳозлари (компьютер, принтер ва алоқа жамламалари, мебель ва бошқа керакли инвентарь ва ускуналар) унинг балансига беғараз ўтказиб берилишини таъминлансин.

14. Ҳисоб палатаси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ҳисоб палатасининг буюртманомаси бўйича белгиланган тартибда:

Ҳисоб палатаси алоқанинг зарур турлари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан жиҳозланишини, шунингдек, кенг полосали Интернет тармоғидан фойдаланишини;

Ҳисоб палатасининг фаолиятида фойдаланиладиган дастурий таъминотлар узлуксиз ишлашининг қўллаб-қувватланишини таъминласин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатасини сақлаш, ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда зарур компьютер техникалари, мебель, алоқа воситалари билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

16. 2021–2022 йилларда давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Т. Турабов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**




Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитлари ташқи аудит
стандартлари ҳамда қўлланмалари асосида ўтказиладиган вазирликлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Аудит тадбири ўтказиладиган вазирлик	Ўтказиладиган аудит тури
1.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	молиявий аудит
2.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	самарадорлик аудити
3.	Сув хўжалиги вазирлиги	самарадорлик аудити
4.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	мувофиқлик аудити

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бошқарув ходимларининг умумий сони 110 штат бирлигини ташкил этади. Ёрдамчи ва техник ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади. Ҳисоб палатасининг штат жадвали Ҳисоб палатаси раиси томонидан тасдиқланади.

**Ҳисоб палатаси Ҳайъатининг
ТАРКИБИ**

1. *Лавозими бўйича* - Ҳисоб палатаси раиси, *Ҳайъат раиси*
2. Т.А. Ишметов - молия вазири, *Ҳайъат раиси ўринбосари*
3. А.Э. Бурханов - Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори
4. А.М. Мавлонов - Бош прокурор ўринбосари
5. Р.Қ. Давлетов - адлия вазири
6. М.М. Тулаходжаева - Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси
7. Н.Ф. Каримов - Ўзбекистон аудиторлар палатаси Кенгаши раиси
8. Б.Т. Турабов - Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари
9. С.С. Саидкаримов - Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари
10. *Лавозими бўйича* - Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари, *Ҳайъат котиби*

Изоҳ. Ҳайъат аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.

**2021–2022 йилларда давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Давлат молиявий назорати соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш				
1.	Ҳисоб палатасига юридик шахс мақоми берилаётганлиги муносабати билан Ҳисоб палатаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	Қонун лойиҳаси	2021 йил декабрь	Ҳисоб палатаси (Турабов)
2.	Ташқи аудит фаолиятида масофавий назорат ва риск таҳлилини амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартибини ишлаб чиқиш: ташқи аудит фаолиятида масофавий назоратлар ўтказиш; давлат молиявий назоратида риск таҳлилини амалга ошириш; ташқи манба маълумотларини кенгайтириш, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан фойдаланиш кўламини ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил декабрь	Ҳисоб палатаси (Турабов)
3.	Давлат молиявий назорати органлари томонидан шакллантириладиган назорат ишларининг йиллик дастурларини навбатдаги йил учун назорат объектлари ва шакллари кесимида ҳамда келгуси икки йилга назорат тадбирларининг мўлжаллари асосида тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда мавзули назорат ўтказиладиган объектлар ҳам назарда тутилади.	Қўшма қарор лойиҳаси	2021 йил декабрь	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов), Адлия вазирлиги (Давлетов)
4.	Бюджет интизоми бузилиши ҳолатларининг таҳлилини амалга ошириш ҳамда уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарлик турларининг таснифини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Қўшма қарор лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов), Адлия вазирлиги (Давлетов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
5.	Ҳисоб палатасига биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи мақомини бериш. Бунда Давлат бюджетини шакллантиришда Ҳисоб палатасига ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари Ҳисоб палатаси тақдим этган таклифда кўрсатилган миқдордан кам бўлишига йўл қўйилмайди.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий равишда	Молия вазирлиги (Ишметов), Ҳисоб палатаси (Турабов)
II. Давлат молиявий назоратида ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш				
6.	Қуйидаги техник имкониятларга эга бўлган “Давлат аудити” дастурини ишга тушириш: барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирларини рўйхатга олиш; давлат молиявий назорати органлари назорат ишларининг йиллик дастури, ҳар бир назорат тадбирини ўтказиш режаси ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни (давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) жойлаштириш; давлат дастурлари ва бюджет харажатларининг самарадорлик индикаторлари ҳамда “натижага йўналтирилган бюджет” тизимида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни эълон қилиб бориш; давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаш; фуқаролар иштирокидаги аудит тизимида амалга ошириладиган назорат тадбирларини шакллантириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 1 январь	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиқов)
7.	Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўзилиши содир этилганлиги хавфи мавжудлигини аниқлашга қаратилган масофавий назорат ўтказиш учун ягона дастурий мажмуа яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил январь	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
				Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиқов)
8.	Бюджет ташилотлари ходимларига ҳар ойда уларнинг иш ҳақи тўғрисида СМС хабарнома юбориш тизимини жорий этиш. Бунда: Молия вазирлигининг ахборот тизимида ходимларнинг мобил телефон рақами киритганлиги хатловдан ўтказилади; СМС хабарнома жўнатиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь 2021 йил сентябрь Доимий равишда	Молия вазирлиги (Ишметов)
9.	Қурилиш объектлари ва бажарилган қурилиш ишлари ҳажми тўғрисидаги қўйидаги ҳужжатларни (маълумотларни) “Шаффоф қурилиш” ахборот тизимида шакллантириш ва юритиш тартибини жорий этиш: объектларнинг манзилли рўйхатини электрон тарзда шакллантириш ва тасдиқлаш модулини яратиш; объектда бажарилган ишлар, шунингдек, материаллар сарфи тўғрисидаги смета ва унинг ижроси ҳисобини юритиш; бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни техник аудиторлар томонидан киритиб борилишини йўлга қўйиш; инвестиция дастурларига ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритиладиган объектлар рўйхатини шакллантириш (ҳар бир лойиҳага алоҳида идентификация рақами берилади); объектлар қурилишини “Шаффоф қурилиш” ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида, уни Молия вазирлигининг ахборот тизими билан интеграция қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори Дастурий таъминотни такомиллаштириш	2021 йил сентябрь 2022 йил январь	Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
10.	Молия вазирлигининг ахборот тизимини қўйидагилар орқали такомиллаштириш: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (“Ягона миллий меҳнат тизими”), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (“Олий таълим” ахборот тизими), Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилиш; рақамли маркировкалаш ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва маиший техникаларнинг ҳисобини юритиш; Молия вазирлигининг ахборот тизимида бухгалтерия ҳисобига оид қоғоз шаклда расмийлаштириладиган барча турдаги ҳужжатларнинг нусхаларини сканерланган ҳолда киритиш ва улардан масофавий назорат тадбирларида фойдаланиш; барча бюджет ташкилотлари учун йиллик харажатлар сметаларини электрон тарификация ва штатлар жадвали асосида шакллантириш, шунингдек, уларни иш ҳақи тўлаш модулига боғлаш; бюджет ташкилотининг ходимлар билан ишлаш бўлинмаси (ёки унинг вазифаси юклатилган ходим) томонидан барча ходимларнинг фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табеллари, ишга қабул қилиш ва бўшатиш тўғрисидаги буйруқлардан кўчирма ҳамда бошқа (ЖШШИР, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи, паспорт маълумотлари ва бошқалар) маълумотларни “UzASBO” дастурий мажмуасига киритиш ва доимий янгилаб бориш тизимини жорий этиш.	Дастурий таъминотни такомиллаш-тириш Дастурий таъминотни такомиллаш-тириш Дастурий таъминотни такомиллаш-тириш Дастурий таъминотни такомиллаш-тириш Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил октябрь 2022 йил апрель 2021 йил октябрь 2021 йил октябрь 2021 йил сентябрь	Молия вазирлиги (Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Адлия вазирлиги (Давлетов), Давлат солиқ қўмитаси (Қудбиев), Давлат божхона қўмитаси (Азимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
III. Давлат молиявий назорати ва ички аудит таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва олий таълим сифатини ошириш				
11.	Хорижий ҳамда халқаро эксперт ва мутахассислар иштирокида давлат молиявий назорати соҳасида маҳорат дарслари, тренинглар ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов)
12.	Назорат объектларида ўрганиладиган саволлар, тадбирнинг предмети, маълумотларни жамлаш, таҳлил ўтказиш ва хулосаларни тузиш тартибларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ходимларнинг ушбу соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини дастлабки босқичини ўтказиш учун хорижий етакчи аудиторлик ташкилотларининг эксперт ва мутахассисларини жалб этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил I чорак	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов)
13.	Ҳисоб палатаси ходимларини халқаро малака сертификатини олиш учун махсус ўқув курсларида ўқитиш ҳамда Ҳисоб палатасига келгусида халқаро малака сертификатига эга бўлган ходимларни ишга жалб қилиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий равишда	Ҳисоб палатаси (Турабов)
14.	Олий таълим муассасаларида давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан бюджет назорати ва аудитга ихтисослашган йўналишларда тахсил олаётган талабалар учун амалий дарслар ўтиш амалиётини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021/2022 ўқув йилдан бошлаб	Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов)
15.	Бюджет назорати ва аудитга ихтисослашган йўналишларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар таркибини ушбу соҳадаги етакчи халқаро таълим муассасаларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича режа-график тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Ҳисоб палатаси (Турабов), Молия вазирлиги (Ишметов)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5147-сон Фармонида:

3 ва 4-бандлар ҳамда Фармонга 1 ва 1а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 5²-банд билан тўлдирилсин:

“5². Белгилансинки, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан Ҳисоб палатаси ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 2 барабар оширилган миқдорда қўлланилади. Бунда, мазкур Фармонда ҳамда илгари қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларининг оширилган тариф коэффициентларини бир вақтда қўллашга рухсат этилмайди ҳамда уларнинг энг юқориси қўлланилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ–5831-сон Фармонига 1-илованинг 2, 3, 7 ва 8-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6098-сон Фармонига 9-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–3231-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида “ва молиявий назорат” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг “б” кичик бандида:

биринчи хатбошидан “ва молиявий назорат” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги “тақдимномалар” сўзи “кўрсатмалар” сўзига алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардан “ва молиявий назорат” сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан “ва молиявий назорат” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 9-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

е) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 35-бандидан “ва молиявий назорат” сўзлари чиқариб ташлансин.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil « 27 » avgusta

№УП–6300

О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного финансового контроля

В целях совершенствования системы государственного финансового контроля за эффективным управлением государственными финансовыми ресурсами, целевым и рациональным использованием бюджетных средств, а также обеспечения исполнения задач, определенных в Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения»:

1. Установить, что в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О Счетной палате Республики Узбекистан» к формам и видам контроля, осуществляемым Счетной палатой, начиная с 1 января 2022 года в практику дополнительно внедряются:

финансовый аудит, предусматривающий оценку ведения бухгалтерского (бюджетного) учета, достоверности финансовой отчетности, целевого и законного использования финансовых ресурсов, полноты доходов, а также законности финансовых операций;

аудит соответствия, предусматривающий проверку и оценку использования консолидированных и привлеченных бюджетных средств, осуществления государственных закупок и бизнес-процессов, а также обеспечения полноты доходов, на предмет соблюдения требований нормативно-правовых актов и соответствия государственным программам;

аудит эффективности, предусматривающий оценку и анализ эффективности и результативности расходов, субсидий, льгот и преференций, экономичности использования выделенных средств, выполнения установленных целевых показателей, целесообразности и результативности проектов, реализуемых за счет консолидированного бюджета и привлеченных средств, а также обеспеченности государственных и региональных программ источниками финансирования.

2. Одобрить предложение Счетной палаты о проведении **финансового аудита, аудита эффективности и аудита соответствия**, предусмотренных пунктом 1 настоящего Указа, на первоначальном этапе в первом квартале 2022 года в министерствах, указанных в приложении № 1, на основе стандартов и пособий о внешнем аудите.

3. Счетной палате:

в срок **до 1 января 2022 года** разработать и утвердить стандарты организации планирования и проведения мероприятий внешнего аудита на основе **Международных стандартов высших органов аудита (ISSAI)**, в их рамках – проведения финансового аудита, аудита эффективности и аудита соответствия, а также стандарты проведения риск-анализа при осуществлении государственного финансового контроля;

в срок **до 1 октября 2022 года** совместно с Министерством иностранных дел обеспечить вступление в членство Международной организации высших органов аудита (INTOSAI) в целях внедрения **Международных стандартов высших органов аудита (ISSAI)**, повышения квалификации работников, обмена опытом и применения передового опыта на практике.

4. Установить порядок, в соответствии с которым:

а) Счетная палата и службы внутреннего аудита:

каждое контрольное мероприятие проводят по **трехэтапной системе, включающей организационный, основной и заключительный этапы, с конкретным определением видов мероприятий аудита;**

в заключении по результатам мероприятий аудита отображают в том числе **условия и факторы, способствующие правонарушениям, рекомендации по их устранению, а также предложения о решении системных проблем;**

б) начиная с 1 октября 2021 года Счетная палата, Министерство финансов и службы внутреннего аудита минимум один раз в квартал отчитываются о своей деятельности перед общественностью при участии представителей средств массовой информации;

в) начиная с 1 января 2022 года мероприятия финансового контроля проводятся исключительно в субъектах, включенных в годовую программу контрольных работ, за исключением камерального контроля и иных случаев, предусмотренных законодательством.

5. Счетной палате совместно с Министерством финансов и Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций в срок до 1 января 2022 года обеспечить запуск программного комплекса «Государственный аудит» (далее – программа «Государственный аудит»).

Определить, что:

все мероприятия государственного финансового контроля, проведенные в бюджетных организациях, государственных целевых фондах и созданных в установленном порядке иных фондах, включая мероприятия аудита служб внутреннего аудита, регистрируются в **программе «Государственный аудит»;**

по каждому контрольному мероприятию **составляется план проведения контрольного мероприятия,** включающий изучаемые вопросы, предмет мероприятия, порядок аккумулирования и анализа информации;

мероприятия, не зарегистрированные в **программе «Государственный аудит»**, являются незаконными;

все виды документов по результатам всех мероприятий государственного финансового контроля, включая мероприятия аудита служб внутреннего аудита (за исключением сведений, составляющих государственные секреты или иную охраняемую законом тайну), аккумулируются в **программе «Государственный аудит»;**

письменное мнение организации, в которой проведено контрольное мероприятие, о фактах, выявленных при проведении мероприятия государственного финансового контроля, вносится в **программу «Государственный аудит»** в пятидневный срок после завершения контрольного мероприятия.

При этом расходы на разработку, техническую поддержку и постоянное совершенствование функциональных возможностей программы «Государственный аудит» финансируются из республиканского бюджета Республики Узбекистан.

6. Министерству финансов совместно со Счетной палатой:

начиная с 2022 года внедрить систему **аудита с участием граждан**, предусматривающую ежеквартальное проведение Министерством финансов и каждой службой внутреннего аудита контрольных мероприятий минимум на двух объектах, определенных системой аудита с участием граждан;

в двухмесячный срок разработать порядок определения объекта проведения аудита с участием граждан и регулярной оценки общественностью эффективности деятельности органов государственного финансового контроля.

7. Установить, что:

Счетная палата проводит внешний аудит проектов и исполнения бюджета Республики Каракалпакстан, местных бюджетов областей и города Ташкента;

ответственные работники Счетной палаты назначаются на должность и освобождаются от должности председателем Счетной палаты;

управленческий, вспомогательный и технический персонал Счетной палаты по статусу, условиям оплаты труда, медицинского и транспортного обслуживания приравнивается к соответствующим работникам Администрации Президента Республики Узбекистан;

общая предельная численность вспомогательного и технического персонала Счетной палаты утверждается председателем Счетной палаты на основе Методики определения нормативов соотношения численности управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления.

8. Установить предельную численность управленческого персонала Счетной палаты 110 штатных единиц, а также утвердить обновленную структуру Счетной палаты согласно приложению № 2.

Предоставить председателю Счетной палаты право на внесение, при необходимости, изменений в утвержденную структуру Счетной палаты в рамках установленной общей численности работников.

9. Создать и утвердить состав Коллегии Счетной палаты (далее – Коллегия) согласно приложению № 3.

10. Определить, что на заседания Коллегии могут приглашаться также должностные лица других министерств, ведомств, предприятий, органов государственной власти на местах и представители общественности.

11. Возложить на Коллегию задачи по:

проведению обсуждений работы министерств и ведомств по предупреждению фактов нарушений бюджетного законодательства, выявленных в результате мероприятий государственного финансового контроля, а также профилактике данных нарушений;

рассмотрению предложений о внедрении международно признанных методов и инструментов организации и осуществления государственного финансового контроля и деятельности внутреннего аудита;

устранению противоречий и совершенствованию нормативно-правовых актов, внесению предложений в министерства и ведомства о внесении изменений в устаревшие и утратившие свою актуальность нормативно-правовые акты;

определению перспективных направлений, предусматривающих профилактику и предупреждение финансовых правонарушений;

проведению обсуждений результатов деятельности служб внутреннего аудита и рассмотрению предложений о повышении ответственности внутренних аудиторов.

12. Счетной палате (Турабов Б.) в срок до конца 2021 года:

обеспечить создание базы данных системы государственного финансового контроля, а также автоматизированного программного обеспечения проведения камерального контроля;

совместно с Министерством финансов и Министерством высшего и среднего специального образования принять меры по привлечению высших образовательных учреждений к процессу подготовки и повышения квалификации кадров по направлению образования, специализированном на бюджетном контроле и аудите.

13. Присвоить Счетной палате статус юридического лица, в связи с чем Финансово-хозяйственному департаменту Администрации Президента Республики Узбекистан обеспечить:

размещение Счетной палаты по адресу: город Ташкент, улица Ислама Каримова, 43 на основе права безвозмездного пользования;

безвозмездную передачу на баланс Счетной палаты закрепленных за ней офисных принадлежностей (компьютеров, принтеров, средств связи, мебели и иного необходимого инвентаря и оборудования).

14. Определить, что деятельность Счетной палаты финансируется за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан.

15. Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций в установленном порядке по заявкам Счетной палаты обеспечить:

Счетную палату необходимыми видами связи, включая правительственную, а также широкополосным доступом к сети Интернет;

поддержку бесперебойного функционирования программного обеспечения, используемого в деятельности Счетной палаты.

Министерству финансов обеспечить выделение средств, необходимых для содержания, внедрения информационных систем и повышения квалификации работников Счетной палаты, а также ее обеспечения необходимой компьютерной техникой, мебелью и средствами связи.

16. Утвердить «Дорожную карту» по совершенствованию системы государственного финансового контроля в 2021–2022 годах согласно приложению № 4.

17. Внести изменения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 5.

18. Счетной палате совместно с Министерством финансов, а также заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.

19. Возложить на первого заместителя председателя Счетной палаты Турабова Б.Т. и министра финансов Ишметова Т.А. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего Указа.

Проведение обсуждений хода исполнения настоящего Указа, осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на руководителя Администрации Президента Республики Узбекистан Низомиддинова З.Ш.

О результативности осуществляемых мер информировать Президента Республики Узбекистан в срок до 1 января 2022 года.

**Президент
Республики Узбекистан**




Ш. Мирзиёев

город Ташкент

ПЕРЕЧЕНЬ
министерств, в которых будет проводиться финансовый аудит,
аудит эффективности и аудит соответствия на основе стандартов и
пособий о внешнем аудите

№	Министерство, в котором будет проводиться мероприятие по аудиту	Вид проводимого аудита
1.	Министерство здравоохранения	финансовый аудит
2.	Министерство занятости и трудовых отношений	аудит эффективности
3.	Министерство водного хозяйства	аудит эффективности
4.	Министерство высшего и среднего специального образования	аудит соответствия

СТРУКТУРА Счетной палаты Республики Узбекистан



Общая численность управленческого персонала Счетной палаты Республики Узбекистан составляет 110 штатных единиц.
Численность вспомогательного и технического персонала определяется в соответствии с установленными нормативами.
Штатное расписание Счетной палаты утверждается председателем Счетной палаты.

СОСТАВ
Коллегии Счетной палаты

- | | | |
|-----|---------------------|---|
| 1. | <i>По должности</i> | – председатель Счетной палаты, <i>председатель Коллегии</i> |
| 2. | Ишметов Т.А. | – министр финансов, <i>заместитель председателя Коллегии</i> |
| 3. | Бурханов А.Э. | – директор Агентства по противодействию коррупции |
| 4. | Мавлонов А.М. | – заместитель Генерального прокурора |
| 5. | Давлетов Р.К. | – министр юстиции |
| 6. | Тулаходжаева М.М. | – председатель Совета Национальной ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана |
| 7. | Каримов Н.Ф. | – председатель Совета Палаты аудиторов Узбекистана |
| 8. | Турабов Б.Т. | – первый заместитель председателя Счетной палаты |
| 9. | Саидкаримов С.С. | – заместитель председателя Счетной палаты |
| 10. | <i>По должности</i> | – заместитель председателя Счетной палаты, секретарь <i>Коллегии</i> |

Примечание: при переходе членов Коллегии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций.

«ДОРОЖНАЯ КАРТА»

по совершенствованию системы государственного финансового контроля в 2021–2022 годах

№	Наименование мероприятий	Формы реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
I. Совершенствование нормативно-правовой базы в сфере государственного финансового контроля				
1.	Внесение изменений и дополнений в нормативно-правовые акты в сфере регулирования деятельности Счетной палаты в связи с присвоением Счетной палате статуса юридического лица.	Проект закона	Декабрь 2021 года	Счетная палата (Турабов)
2.	Разработка порядка осуществления и оценки дистанционного контроля и риск-анализа в деятельности внешнего аудита, предусматривающего: проведение дистанционного контроля в деятельности внешнего аудита; осуществление риск-анализа в государственном финансовом контроле; расширение данных внешних источников, масштаба доступа к информационным системам министерств и ведомств.	Нормативно-правовой акт	Декабрь 2021 года	Счетная палата (Турабов)
3.	Разработка и утверждение порядка составления годовых программ контрольных работ, формируемых органами государственного финансового контроля, в разрезе объектов и форм контроля на очередной год, а также на основе прогнозов контрольных мероприятий на последующие два года. При этом подразумеваются также объекты проведения тематического контроля.	Проект совместного постановления	Декабрь 2021 года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов), Министерство юстиции (Давлетов)
4.	В целях подготовки предложений по осуществлению анализа случаев нарушения бюджетной дисциплины и предотвращению условий их совершения разработка и утверждение классификации видов правонарушений в данной сфере.	Проект совместного постановления	Апрель 2022 года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов), Министерство юстиции (Давлетов)

№	Наименование мероприятий	Формы реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
5.	Предоставление Счетной палате статуса распорядителя бюджетных средств первого уровня. При этом при формировании Государственного бюджета предельный объем бюджетных ассигнований, выделяемых Счетной палате, не может быть меньше размера, указанного в представленном Счетной палатой предложении.	Организационные меры	На постоянной основе	Министерство финансов (Ишметов), Счетная палата (Турабов)
II. Расширение использования информационных технологий в государственном финансовом контроле				
6.	Запуск программы «Государственный аудит», имеющей следующие технические возможности: регистрация всех мероприятий государственного финансового контроля, включая мероприятия аудита службы внутреннего аудита; размещение годовой программы контрольных работ органов государственного финансового контроля, плана проведения каждого контрольного мероприятия и сведений об их результатах (за исключением данных, составляющих государственные секреты, или другой тайны, охраняемой законом); публикация информации об индикаторах эффективности государственных программ и бюджетных расходов, а также выполнении целевых показателей, определенных в системе «бюджет, ориентированный на результат»; оценка со стороны общественности эффективности деятельности органов государственного финансового контроля; формирование контрольных мероприятий, осуществляемых в системе аудита с участием граждан.	Организационные меры	1 января 2022 года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов), Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций (Садилов)
7.	Создание единого программного комплекса по осуществлению дистанционного контроля, направленного на выявление наличия риска совершения нарушения законодательных актов о бюджете.	Организационные меры	Январь 2022 года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов),

№	Наименование мероприятий	Формы реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
	финансов.			
10.	Совершенствование информационной системы Министерства финансов посредством: интеграции с информационными системами Министерства занятости и трудовых отношений («Единая национальная система труда»), Министерства высшего и среднего специального образования (информационная система «Высшее образование»), Министерства внутренних дел, Министерства юстиции, Государственного налогового комитета и других государственных органов через межведомственную интеграционную платформу системы «Электронное правительство»; ведения учета лекарственных средств, медицинских принадлежностей и бытовой техники посредством интеграции с информационными системами цифровой маркировки; введения сканированных копий документов всех видов, оформляемых в бумажной форме касательно бухгалтерского учета в информационной системе Министерства финансов, и использования их в дистанционных контрольных мероприятиях; формирования смет годовых расходов для всех бюджетных организаций на основе электронной тарификации и штатного расписания, а также взаимозавязки их с модулем выплаты заработной платы; внедрения системы введения и постоянного обновления в программном комплексе «UzASBO» подразделением бюджетной организации по работе с персоналом (или работником, на которого возложена эта задача) табелей учета использованного рабочего времени и расчета заработной платы всех сотрудников, выписок из приказов о приеме на работу и увольнении с нее, а также других данных (ПИНФЛ, накопительный пенсионный счет, паспортные данные и др.).	Совершенствование программного обеспечения Совершенствование программного обеспечения Совершенствование программного обеспечения Совершенствование программного обеспечения Ведомственный нормативно-правовой акт	Октябрь 2021 года Апрель 2022 года Октябрь 2021 года Октябрь 2021 года Сентябрь 2021 года	Министерство финансов (Ишметов), Министерство занятости и трудовых отношений (Хусанов), Министерство внутренних дел (Бобожонов), Министерство юстиции (Давлетов), Государственный налоговый комитет (Кудбиев), Государственный таможенный комитет (Азимов), Министерство высшего и среднего специального образования (Тошкулов), Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций (Садилов)

№	Наименование мероприятий	Формы реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
III. Совершенствование системы подготовки кадров для направлений образования по государственному контролю и внутреннему аудиту и повышение качества высшего образования				
11.	Проведение мастер-классов, тренингов, курсов повышения квалификации, а также научно-практических конференций и семинаров в сфере государственного финансового контроля с участием зарубежных и международных экспертов и специалистов.	Организационные меры	Ежегодно	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов)
12.	Разработка вопросов, которые будут изучены на контрольных объектах, предмета мероприятия, порядков сбора, анализа данных и составления заключений, а также в целях повышения знаний и навыков работников в данной сфере привлечение экспертов и специалистов зарубежных ведущих аудиторских организаций для проведения предварительного этапа финансового аудита, аудитов эффективности и соответствия.	Организационные меры	I квартал 2022 года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов)
13.	Принятие мер по обучению работников Счетной палаты на специальных учебных курсах для получения международного квалификационного сертификата, а также привлечению в будущем на работу в Счетную палату работников, имеющих международный квалификационный сертификат.	Организационные меры	На постоянной основе	Счетная палата (Турабов)
14.	Налаживание практики проведения должностными лицами органов государственного финансового контроля практических занятий для студентов, обучающихся в высших образовательных учреждениях по направлениям, специализированным на бюджетном контроле и аудите.	Организационные меры	С 2021/2022 учебного года	Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов), Министерство высшего и среднего специального образования (Тошмулов)

№	Наименование мероприятий	Формы реализации	Сроки исполнения	Ответственные исполнители
15.	Принятие мер по утверждению и реализации плана-графика по подготовке и переподготовке профессорско-преподавательского состава, осуществляющего деятельность по направлениям, специализированным на бюджетном контроле и аудите, в ведущих международных образовательных учреждениях в этой области.	Организационные меры	Ежегодно	Министерство высшего и среднего специального образования (Тошкуллов), Счетная палата (Турабов), Министерство финансов (Ишметов)

**Изменения, вносимые в некоторые акты Президента Республики
Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан**

1. В Указе Президента Республики Узбекистан от 10 августа 2017 года № УП–5147 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Счетной палаты Республики Узбекистан»:

пункты 3 и 4, а также приложения №№ 1 и 1а к Указу признать утратившими силу;

дополнить пунктом 5² следующего содержания:

«Установить, что при определении должностного оклада работников Счетной палаты согласно утвержденным разрядам по оплате труда по Единой тарифной сетке тарифный коэффициент применяется с увеличением в 2 раза. При этом не допускается одновременное применение увеличенных тарифных коэффициентов по разрядам оплаты труда, установленным настоящим Указом и ранее принятыми актами законодательства, и из указанных коэффициентов применяется наибольший».

2. Пункты 2, 3, 7 и 8 приложения № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 18 сентября 2019 года № УП–5831 «О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых актов Президента Республики Узбекистан» признать утратившими силу.

3. Пункт 1 приложения № 9 к Указу Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2020 года № УП–6098 «Об организационных мерах по сокращению теневой экономики и повышению эффективности деятельности налоговых органов» признать утратившим силу.

4. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2017 года № ПП–3231 «О дальнейшем совершенствовании механизма финансирования образовательных и медицинских учреждений и системы государственного финансового контроля»:

а) из абзацев третьего и четвертого пункта 1 слова «и финансового контроля» исключить;

б) в подпункте «б» пункта 2:

из абзаца первого слова «и финансового контроля» исключить;

в абзаце четвертом слово «представлений» заменить словом «предписаний»;

в) в пункте 3:

из абзацев второго и четвертого слова «и финансового контроля» исключить;

из абзаца третьего слова «и финансового контроля» и «по согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан» исключить;

г) пункт 6 признать утратившим силу;

д) абзац четвертый пункта 9 исключить;

е) приложение № 4 признать утратившим силу.

5. Из пункта 35 Порядка финансирования (оплаты) расходов бюджетных организаций, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 3 сентября 1999 года № 414, слова «и финансового контроля» исключить.

